

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 17" Январь

61-сонли

Жондор ш

Жондор Электр тармоклари корхонаси (кейинги ўринларда "Корхона" (энергия билан таъминловчи ташкилот номи) деб юритилади) узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари О.Усмонов бир тарафдан ва Жондор туман Тиббий бирлашмага карашли (энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.) (Энергия истеъмолчисининг номи) (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) узининг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.шеров иккинчи тарафдан ушбу шартномани кўйидагилар хақида туздилар:

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармок орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) бериладиган Истеъмолчи эса Жондор гиббиёт бирлашмаси Энергия ҳакини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган куввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташкири, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимишини юкламали соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик "Кувват") учун ҳак тўлайди.

## II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми **266666кВт.с.** ни ташкил килади.

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи сўм, Кувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил килади. Шундан, бюджетдан маблағлари хисобидан **119999700** (бир ўн туккиз миллион тўккиз ўз тўксон тўккиз минг етти ўз )сум

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Кувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) миқдори Энергияни (Кувватни) хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аникланади (2-илова).

Хисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг хисоб-китоб килишига мўлжалланган Энергия ва Кувватни хисобга олишнинг бошка воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган хисобга олиш ва назорат килиш тизими билан мос келиши. Истеъмолчининг хисобидан сотиб олиниши, давлат киёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли карорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми **\_266666\_кВт.с.** ни ташкил килади.

## III. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун хисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида хисоб-китоб килиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Кувватнинг хисобга олиниши электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова) Агар Энергияни (Кувватни) хисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аникланади ва ҳак тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи хисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва кувватнинг ҳақиқий сарфини аниклаш учун хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси хисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми нархини 50 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи хисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол килган Энергия ва Кувват учун шартнома шарттаридан келиб чиқкан ҳолда хисоб-китоб килади ва тўлик тўловларни навбатдаги ой бошлангунга кадар амала оширади.

Истеъмол килинган Энергия ва Кувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол килинганлиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тугатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида хисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вактда, хисоблагичларнинг тартиб ракамларини ҳамда амалда истеъмол килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда хисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Хисобот асосида Корхона тегишли хисоб-китобни амалга оширади (б-илова) ва Истеъмолчи хисоб-фактурани олади.

Истеъмолчиди турли тариф гурухларига тегишли булган бир неча объект мавжуд булган тақдирда хисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура ёзилади.

Хисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни хисобга олганда Истеъмолчининг карздорлиги аникланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истеъмоли ҳакида хисобот тақдим этилмаса ёки хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан хисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий микдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аникланган ҳакикий истеъмол килинган Энергия учун қайта хисоб-китоб килган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва хисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун хисоб-китоблар Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли карори билан тасдикланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро хисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдикланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гурухига мансублиги Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гурухлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳак тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда “Корхона” бюджетдан маблағ олувчини хабардор килиши ва томонлар янги таърифлар бўйича кўшимча келишув тузишлари лозим. Кўшимча келишув тегишли Фазначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳак тўланади. Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия микдорига кўшимча ҳак тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш ўйли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир кисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида катнашуви юкламаси кийматига камайтирилган Кувват микдорига учун ҳак тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта хисобга олиш нуткаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт соатдан ортик бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, кишлок хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги хисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг Автоматлаштирилган тизимида уланган ИSTEъМОЛЧИЛАРГА Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳак доирасида амалга оширилади.

3.14 ИSTEъМОЛЧИННИГ АЙБИ БИЛАН Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам иSTEъМОЛ КИЛИНСА, олдиндан тўланган маблағлар кайтарилмайди ва кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.15 Хисобга олиш прибори ИSTEъМОЛЧИННИГ АЙБИ БИЛАН бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) хисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, хисобга олиш приборидан ташкири электр кабул килгичлар уланган ёки Энергия бошкacha усулда ўғирланган холларда, биргаликда иккى томонлама далолатнома расмийлаштириллади ва шу асосида Корхона ИSTEъМОЛЧИНИ Электр тармоғидан ўзб кўйиш хукукига эга. Далолатнома асосида хисобга олиш приборлари охирги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб

бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган куввати ва Истеъмолчининг ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи кайта хисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона З иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов хужжати ёзиб беради. шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов хужжатларини тақдим килади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибида конун асосида ундириш чораларини кўради.

Хисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзига олиш улаш схемасини тескириш деб хисобланмайди.

#### **4. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ**

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узига қўйини жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват танқислиги холларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узига қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узига қўйиш жадваллари ишлаб чиқилади.

Узига қўйиш жадваллари Истеъмолчи томонидан Корхона вакилларидан узига қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огоҳлантиргандан кейин Энергия ва Кувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2. Электр тармоғи хўжалиги обьектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этини ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик кечинтириб бўлмайдиган чоратадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келашмасдан ва уни огоҳлантиրмасдан, бирок уни дарҳол хабардор қилган холда, Энергия узатишда узига қўйини ёки чекланишга руҳсан этилади.

4.3. Куйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергияни етказиб берилшини тўхатани ва узига қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳуқукига эта:

- а) энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;
- б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол килинганда;
- в) энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;
- г) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;
- д) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;
- е) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

4.4. Электр манбаидан узига қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибида Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганилиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибида, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узига қўйиш эса – факат суд карорига кўра амалга оширилади.

4.5. Барча юкорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта улаш ва Энергия етказиб берилшини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлик харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

#### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибида ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб қилиш;
- в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергияни сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада саклашни талаб қилиш;
- г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги обьектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узига қўйишгача камидан 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;

- д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тұлов амалға оширилған тақдирда Энергиянин шартномавий миқдорини үзгартыршины талаб қилиш;
- е) Олдиндан ҳақ тұланғанлигидан қатый назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтирип томонига үзгартыршины талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган үзгартыршлардан (жорий ой тугашидан) 10 күндан кечикмай берилиши лозим.

#### 5.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланған тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланған муддатда ҳақ тұлаш;
- в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда Хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- г) энергетика тизимининг эңг катта юкламали соатларда талаб этилған Кувватдан ошмаслиқ. Истеъмолчи Корхонанинг талабига құра күйидагиларни ҳисобға олиши ва хабар қилиши шарт - истеъмол қилинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий миқдорини;
- ягона электр энергетика тизимининг эңг күп ва эңг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (кувватнинг) ҳар суткали сарфи;
- ягона электр энергетика тизимининг эңг катта юкламасининг үтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

#### 5.3. Корхона күйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) шартномада белгиланған тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;
- б) ҳисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунiga үзаро ҳисоб-китоблар солишириүв далолатномасини тузиш.

#### 5.4. Корхонанинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланған тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) Энергияни шартномада белгиланған ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;
- в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тұхтатиб турилиши ва бунинг сабаблары тұғрисида маълум қилиш;
- г) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вактини күрсатған ҳолда, үз вактида хабар қилиш;
- д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлығы ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳақидағы мурожаатларини олинған кундан бошлаб үн кундан кечикирмасдан күриб чиқиши, уларни бартараф этиши ва батағсил жавоб юбориши;
- е) Истеъмолчининг белгиланған тартибда киритилған тақлифларига мувофик 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорға үзгартыршлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини күпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тұғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини күрсатған ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш.

### 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1. Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида стқазилған ҳақиқий зарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафға тұланиши шарт.

6.2. Энергияни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилған, тұлғык етказиб берилмаган Корхона Истеъмолчига кечикирилған ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тұлайды, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки күрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тұлаш шартнома мажбуриятларини бузған тарафны товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориши, тұлғык етказиб бермаслиқ, ишларни бажармаслик ёки хизматларни күрсатмаслик оқибатида етказилған зарарни қоплашдан озод этмайды.

6.3. Етказиб берилған Энергия ҳақини үз вактида тұламаганлик учун Истеъмолчи Корхонаға үтказиб юборилған ҳар бир кун учун кечикирилған тұлов суммасининг 0,4 фоизи миқдордан, аммо кечикирилған тұлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тұлайти.

6.4. Тарафлар шартномани форс-мажор холатлари, яъни снгиг бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғокчилик, сув тоникини,

ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли бажармаган ёки лозим тараҳа та бажармаганигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

#### 7. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

- 7.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.
- 7.2. Шартноманинг иловаси унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 7.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача тузилади.
- 7.4. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонуни, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.
- 7.5. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқсан тақдирда, тарафлар, коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.  
Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

#### 8. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### "Корхона"

Жондор туман Электр тармоклари  
корхонаси  
Почта манзили Жондор туман Шодлик кўчаси  
Ҳисоб рақами  
22636000600487303325  
Банк коди (МФО)00086  
СТИР (ИНН)201188400  
Телефонлар:58-21-885  
Банк: Бухоро шахар АТ  
Саноат-Курилиш банк Бухоро мин.ф

##### "Истеъмолчи"

Жондор туман Тиббий бирлашмаси  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)  
Манзил: Жондор туман М.Торобий  
кўчаси 157 уй  
Тел.факс: 58-21-073  
Фаз./х: 23402000300100001010  
Банк номи; Тошкент шахар Марказий  
банк ББХКМ  
МФО-00014, ИНН-201122919  
Оконх-91514, ИНН-201807831  
ш/х-100022860062467073101054002



О.Усмонов



Б.Шеров

Етказиб берилаётган Энергия (Кувват)нинг микдори

1. Тариф гурухи 4
2. Фаолият тури даволаш ва профилактика
3. Истеъмолчининг электр қурилмаларини уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА, (кВт)
4. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича): \_\_\_\_\_
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича амалдаги тоифаси: \_\_\_\_\_

	Талаб этилган Кувват, кВт	Энергия микдори, кВт.с	Жумладан тариф гурухлари бўйича				
			1	2	3	4	5
Иил, жами I чорак							
Январ	111111	49999950					
Феврал	111111	49999950					
Март	44444	19999800					
II чорак							
Апрел							
Май							
Июн							
III чорак							
Июл							
Август							
Сентябр							
IV чорак							
Октябр							
Ноябр							
Декабр							

2-устун Икки ставкали  
истеъмолчилар томонидан тўлдирилади.



Истеъмолчи

Б.Шеров  
M.Ý.

Имзолар:



Корхона

О.Усмонов  
M.Ý.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. Hujjat raqami: QF85804104
2. Loyihaning turi: Shartnoma
3. Loyihaning nomi:  
Elektr energiya ta'minoti shartnomasi.
4. Loyiha ishlab chiquvchisi va dasturga kiritilgan sana haqida ma'lumot:  
Jondor tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 13-yanvar kuni dasturga kiritilgan.

Loyihada ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida"gi qonuni bilan tartibga solinadi, shartnoma shartlari va taraflarning javobgarlik me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilik talablariga mos keladi.

**Jondor tuman Yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i**



I.Ergashev

2022-yil 17-yanvar